

---

## Фурқат туманида "Энг яхши" маҳалла фаоллари аниқланди

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 31 йиллиги муносабати билан "Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз" шиори остида ўтказилаётган "Энг яхши маҳалла раиси", "Энг яхши ҳоким ёрдамчиси", "Энг яхши ёшлар етакчиси", "Энг яхши хотин-қизлар фаоли", "Намунали иш берувчи аёл" республика кўрик танловларининг туман босқичи ғолиблари аниқланди.

Бугун тумандаги Тарона тантаналар саройида ғолибларни тақдирлаш маросими ва маҳалла ходимлари учун байрам тадбири ташкилланди. Танлов ғолибларига туман ҳокими Жаҳонгир Жуманов ҳамда секторлар раҳбарлари томонидан ташаккурнома ва эсдалик совғалар топширилди.

Танлов натижаларига кўра:

"Энг яхши маҳалла раиси" - Омонов Маъмуржон, Шойимбек МФЙ раиси;

"Энг яхши ҳоким ёрдамчиси" - Шерматжон Мелибоев, Ардахшон МФЙ ҳоким ёрдамчиси;

"Энг яхши ёшлар етакчиси" - Турдалиев Раҳматали, Ҳайит МФЙ ёшлар етакчиси;

"Энг яхши хотин-қизлар фаоли" - Гўзалхон Тожинаярова, Шўр МФЙ хотин-қизлар фаоли

"Намунали иш берувчи аёл" - Сайидова Машхурахон, "Машхурахон" хусусий корхонаси раҳбарлари туман босқичи ғолибига айланиб, вилоят босқичига йўлланма олди.

2022-08-25 22:16:09